ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

бр32482/4

# Қоракўлчилик хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш бўйича чорвадор-фермерлар учун

# ҚЎЛЛАНМА

САМАРҚАНД—1996

МУАЛЛИФЛАР:

Қоракўлчилик кафедрасининг мудири, профессор С.Ю.Юсупов, катта ўқитувчиси Р.Х.Рўзимуродов ва илмий ходими Д.А.Бисерова

агросаноат
биринчи
ичев.
чилик илмий-
теришунослик
иғи. қишлоқ
омзоди

636,3
Б-59

Ушбу қўлланма турли тоифа қоракўлчилик хўжаликларида тайёрланадиган асосий чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, уларга бирламчи ишлов бериш, амалда бўлган тайёрлов андозалари асосида уларни хиллаш, тез-тез учраб турадиган иллатлар ва уларнинг олдини олиш муаммоларига бағишланган. Қўллама турли тоифа қоракўлчилик хўжаликларининг раҳбарлари ва мутахассислари, асосий ишлаб чиқарувчилар бўлган фермерлар учун, тайёрлов идоралари ходимлари учун, қишлоқ хўжалиги учун мутахассис тайёрловчи олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув ва лицейларнинг студентлари учун мўлжалланган.

Қўлланма қоракўлчилик кафедраси жамоасининг 1996й 23 апрел куни бўлган № 7 йиғилишида, қоракўлчилик факультети ихтисослашган кафедралар услубий комиссиясининг 1996й 24 апрель куни бўлган №4 мажлисида ва Ф.Хўжаев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлар кенгашининг 1996 йил 26 апрель куни бўлган мажлисида муҳокама қилиниб маъқулланган.

Қўлланманинг сифатини яхшилашга қаратилган таклифларнинг қуйидаги манзилгоҳга юборилиши сўралади:

703003 Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек номли кўча, 77 уй.

Библиотека
СамСХИ
ИНВ. бр 32482/4

Узбекистон уз мустакиллигини эълон қилганига ҳам бешинчи йил кетмокда. Ана шу йиллар ичида халк хўжалигининг барча жабҳаларида бозор иктисодига утишга каратилган туб ислоҳотлар амалга оширилди ва оширилмокда.

Республикамиз Президентининг таъбири билан айтилганда "... иктисодий ислоҳотлар биринчи боскичининг роят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иктисодиётни шакллантиришдан иборат эди."

Дархакикат бу борада анчагина ишлар қилинди, жумладан давлат тасарруфидан чиқарилган хўжаликлар урнида кўп микдордаги турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш корхоналарининг вужудга келиши, ишлаб чиқариш воситаларининг хакиқий эгаларига берилиши бозор иктисоди томон ташланган катта қадам бўлди.

Ҳозирги кунга келиб тайёрланаётган жами қишлок хўжалик маҳсулотларининг 55 фоиздан кўпрогини хусусий мулкчиликка асосланган хўжаликлар етиштирмокда.

И.А.Каримов/1995/ кўрсатганларидек, республикада иктисодий ислоҳотларнинг иккинчи боскичида хал килиниши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини якунлашдир.

Ана шу жараёнлар кишлок хўжалигида ҳам жадал суръатлар билан амалга оширилмокда - хусусий мулкчиликка асосланган хўжаликлар, айникса деҳкон - фермер хўжаликлари аграр секторнинг асосий кисмларидан бирига айланиб бормокда.

Деҳкон-фермер хўжаликлар бозор иктисоди шароитида юкори сифатли ва шу билан биргаликда арзон таннархли маҳсулотларни нест-нобуд килмасдан ишлаб чиқариш, сифатли бирламчи ишлов бериш йўли билан уларни юкори нархларда сотишга эришсагина ўз ишлаб чиқаришининг

самарали булишига эришади, унинг ҳажми ва улчамларини кенгайтириш имконига эга булади.

Коракулчилик соҳаси чорвачиликнинг бошка соҳаларидан фаркли уларок, ватанимизнинг бепаён дашту-саҳроларида жойлашган ва ана шу оғир яйлов-иклим шароитида ривожланиб халк хужалигининг бебаҳо коракул териларига, мазали куй гуштига, кимматли жунига, пустинбоп териларига, кузи ширдончаларига булган эхтиёжини кондириб келмокда. Коракулчиликнинг бошка соҳаларга нисбатан анча таркок, маҳсулотларга ишлов берувчи саноат корхоналаридан анча узокда жойлашганлиги, республиканинг машинасозлик саноати ана шу соҳа эхтиёжи учун ҳаводек зарур булган кичик ишлов бериш заводлари, цехлари, линияларини ишлаб чикаришни ҳамон йулга куймаганлиги, кимё саноатимиз эса коракулчилик маҳсулотларига ишлов беришда лозим буладиган кимёвий моддалар, ҳархил буёклар етиштириб бермаётганлиги боисидан ана шу соҳа маҳсулотларнинг бозори унчалик чаккон эмаслигини таъкидлаш жоиздир.

Коракулчилик билан шуғилланувчи ширкат, жамоа, фемер ва бошка тур хужаликлар карамоғида коракул куйларидан ташкари тивит ва жун берувчи эчкилар, туялар ва кам микдорда йилкилар ҳам мавжуддир.

Ҳозирги кунга келиб коракулчилик минтакасида фаолият курсатувчи хужаликлар олдида юкори кийматли насллик моллар етиштиришдан ташкари юкори сифатли коракулчилик маҳсулотларини купрок ишлаб чикариш, сифатли ишлов бериш йули билан уларни то сотилгунга кадар бузилмасдан, шикастланмасдан, яхши сакланишини таъминлаш, пайти келганда уларни яхши нархларга чиройли килиб сотиш каби муҳим вазифалар турибди.

Куйида биз ана шу хужаликларнинг раҳбар ва мутахассислари, ишчи ва ходимлари учун мулжалланган коракулчилик хужаликларида тайёрланувчи чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, уларга дастлабки ишлов бериш, уларни узок муддатли саклашга тайёрлаш ва саклаш, асосий нук-

сон ва иллатларнинг олдини олиш қоида ва талбиқларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

## I. ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАРИГА БИРЛАМЧИ ИШЛОВ БЕРИШ.

Тул мавсуми олди ишлари каторига коракулчиликда қўзи суйим пунктларини таъмирлаб, юқумсизлантириб, мавсумга шай қилиб қуйиш, қўзини суйиш, терисини шилиб олиш, ёғсизлантириш, тозалашда ишлатиладиган пичоқ, қирғичлар, тери остига хаво юбориш, терини тозалашда ишлатиладиган ускуналар етарлилигини, созлигини текшириб кўриш, харбир тайёрланадиган қоракўл териси учун ўртача 800-850 граммдан ОСТ-290 талабига жавоб берадиган заррралари иккинчи тоифа йирикликдаги тоза қуруқ ош тузи ғамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Собик Иттифоқ даврида ош тузи кўпинча Иттифокдош жумҳуриятлардан келтирилар эди, шу туфайли ҳам Ўзбекистон худудида мавжуд туз конларидан фойдаланмаганлиги туфайли ташландиқ холга келиб колганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хозирги кунга келиб қоракўл териларини тузлаш учун керак бўладиган ош тузини ғамлаш баъзи жойларда муаммо бўлиб қолмоқда. Тузи камчил бўлган хўжаликлар терини тузлаш учун ош тузи билан аммоний сульфатнинг I:I нисбатдаги аралашмасини бемалол ишлатишлари мумкин.

Қоракўлчиликда тирик туғилган кучқорчалар ташқи кўриниши, терисининг сифатига кўра наслчилик ишлари учун ўстиришга қолдириладиган, қоракўл териси учун суйиладиган ва териси, гавда тузилишида нуксонлари бўлганлиги учун яроксизга чиқарилиб гўштга топшириш учун мўлжалланиб ўстиришга қолдириладиган гуруҳларга ажратилади.

Бундан ташқари ўлик ва чала туғилган, ўлиб қолган катта ёшли қўзилар ҳам суйим учун ажратилади. Майда, чимжан ва оч қўзилар 2-3 кун оналари бағрида қолдирилиб, сўнгра тери учун суйилиши мақсадга

мувофикдир.

Хўжаликларда тайёрланадиган қоракўл териларнинг нуқсонсиз бўлиши учун қўзилар сўйимини, иложи борича, махсус тайёргарликка эга бўлган тажрибали сўйимчиларга юклаш маъқул.

Қоракўл териларига бирламчи ишлов бериш қўзиларни сўйиш ва уларнинг терисини шилиб олишдан бошланади. Сўйим жараёни қўзини бўғизлаб, унинг йирик қон томирларидаги қонини оқизиб, тугатишдан бошланади. Илгариги вақтларда қўзиларнинг бўйни кўндаланг йўналишда бўғизланган бўлса, хозирги кунга келиб бўйин бўйлаб, яъни узунасига бўғизлаш одат тусига кириб бормоқда.

Сўйимчи қўзини қўлда сўйганида унинг кўкрак қафасини иккала оёғи орасига қисиб, кекирдаги бўртиб чиқиши учун чап қўли билан унинг пастки жағи тагидан ушлаб сал орқага қайиради ва ўнг қўлидаги ўткир пичоқ ёрдамида бўйин териси узунасига 5-8 см. узунликда тилинади ва тери остидаги қон томирлари, қизил ўнгачи, нафас йўллари кесилади.

Бўғизланган қўзилар қонини оқизиш учун қия қилиб ясалган стол устига ташлаб ёки бўлмаса юқорига қоқилган илгакларга бошини пастга қаратган ҳолда орқа оёғидан осиб қўйилади. Агар сўйилган қўзилар қонини йиғиб, кейинчалик ундан қон уни тайёрланиш мўлжалланган бўлса, у ҳолда қон оқадиган мослама остига бирор идиш қўйиш лозим бўлади. Одатда бўғизланган қўзининг қони 15-20 дақиқада оқиб тамом бўлади.

Бўғизланган қўзининг терисини сифатли, тез ва осон шилиб олиш учун тери остига ҳаво юборилади. Бунинг учун чап орқа оёқ сакраш бўғинининг ички томони териси 2-4 см. узунликда тилинади. Ҳаво юбориш мосламаси бўлмаган пайтларда чорвадорлар ана шу тилик орқали бирор учи ўтмас чўп тиқиб терини оёқ мушакларидан ажратиб ҳаво йўли очар эдилар ва кейинчалик шу тешик орқали оғиз билан тери остига ҳаво

юборар эдилар. Албатта ишнинг бу тартибда бажарилишини тозалик, инсон саломатлиги нуктаи-назаридан маъкуллаб булмайди.

Кейинчалик, йирик коракулчилик хужаликлари шароитида кузиларни марказлашган суйим пунктларида кунма-кун ташиш имконияти мавжудлиги туфайли буғизланган кўзилар териси остига хавони 0,25-0,30 босим билан хаво юборувчи ускуналар/ компрессорлар/ ёрдамида юбориш одат тусига кирди. Турли тоифадаги хужаликлар иктисодий имкониятларига ва суйилиши мулжалланган кўзи сонига қараб кўзи суйимида ҳаво юборувчи ускуналар/компрессорлар/дан фойдаланиш накадар кераклигини узлари хал килишлари лозим булади. Мабодо, ҳаво юборувчи мосламалардан фойдаланилмайдиган булса, у холда тери остига хаво юборишда суйимчиларнинг 15-20 см. узунликдаги юкумсизлантирилган металл кувурчалардан фойдаланишларини тавсия киламиз.

Тери остига юбориладиган ҳаво кўзи танасининг барча кисмларига текис таркалишига эришиш лозим. Буғизланган жой териси остидан хаво пуфаклари ажралиб чиқабошлагач хаво юбориш тўхтатилади.

Коракул терисининг мутаносиб шаклда, барча кисмлари сакланган холда шилиниб олиниши катор нуксонларнинг олдини олиш имконини беради. Буғизланиб, териси остига ҳаво юборилган кўзининг терисини шилиб олиш жараёни уткир пичок учи билан тана терисини маълум йуналишларда тилишдан бошланади. Бунинг учун даставвал кўзининг орқа чикарув тешигидан корин ва кукрак остининг ўрталиғи оркали то бўйин остининг буғизланган жойигача тўғри чизиқ холида тилиниб чикилади, бунда кўзининг мояк халтаси тўлиғича бир томонга қолдирилади. Ундан кейин туёқ устидан орқа оёқнинг ички томони бўйлаб то орқа чиқарув тешигигача ўтган марказий тиликкача етказилади, олдинги оёқларнинг туёқлари устидан ички томони бўйлаб то тўш суяги устидан ўтган марказий тиликкача тилинади. Тилик оёқ сиртидаги гуллар ёки мухаяр накш-

лар билан оёкнинг силлиқ толали жойлари туташган кисми буйлаб ўтказилиши керак. Қузининг думи/қуйруқчаси/ ости томонидан толасиз майдони четлари буйлаб айлана холида тилинади, дум ўсимтаси эса то учигача ичкари томондан тўгри килиб тилинади. Боши жағ остидан то буғизланган жойгача тилинади. Бу ишлар килиб бўлингач терини шилиб олишга киришилади.

Бу иш ўнг орқа оёкдан бошланиб, энг охири бошдаги терини шилиб олиш билан тугатилади. Суйимчи иложи борича пичокни кам ишлатиб терини нуқсонсиз, барча кисмларини сақлаган холда шилиб олишга эришиши лозим. Терини шилиб олиш қўзини орка оёғидан юкоридаги илгакларга осилган холида амалга оширилгани маъкул, чунки бунда терининг ортикча ифлосланишининг олди олинади.

Териларга сифатли ишлов беришнинг мухим жараёнларидан бири - уни тузлашга тайёрлашдир. Биз бу уринда янги шилинган терини I,5-2 соат давомида совитиб, сўнгра унинг гуштпарда томонини ёрсизлантириш яъни уни мушак ва ёғ колдикларидан, кулок супрасини тоғайдан, дум ўсимтасини умуртка суягидан тозалашни назарда тутмокдамиз. Терининг гуштпарда томони махсус кирғичлар, кулок супраси ва дум ўсимтаси ўткир пичоқ ёрдамида тозаланади.

Териларни тузлашдан мақсад тери тўкимаси таркибидаги намликни кескин камайтириш йўли билан тери бузулишига ва окибат тола копламитукилишига йўл қуймасликдир.

Амалдаги коидалар териларни тузлаш учун зарралари иккинчи тоифа йирикликдаги қуруқ ош тузидан фойдаланишни такозо этади. Ош тузи танқис бўлган вактларда ана шу максад учун ош тузи билан аммоний сульфатининг I:I нисбатидаги аралашмасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Улган ёки улик туғилган қузилар териси алоҳида тузлангани маъкул. Одатда коракул терилари 8-IO кунда туздан чиқади.

Кейинги пайтларда ўтказилган тажрибалар териларнинг тузланиш жараёнини 4-5 кунга кискартириш мумкинлигини кўрсатди, чунки тери марзидаги намликнинг 90 фоизга якини дастлабки 12-15 соат давомида, умуман 3-4 кун ичида намликнинг асосий кисми ажралиб бўлар экан.

Коракул териларида тола копламининг тукилиши энг хавфли ва катта иктисодий зарар келтирувчи нуксон хисобланади. Одатда бу турдаги нуксонлар улик туғилган ва улган кузилардан шилиб олинган териларда учраб, унинг асосий сабаби териларнинг анча кечикиб тузланишидир.

Амалдаги УзРСТ 641-95 ракамли андозанинг/стандартнинг/ талабига биноан тола коплами озгина тукилган терилар хам нуксонли хисобланади ва кабул пайтида уларнинг нархлари анча камайтирилади. Бундака териларга дастлабки ишлов бериш жараёни зуллик билан совлик сурувининг узидаёк амалга оширилиши лозим. Бунда асосий эътибор тола тукилишининг олдини олиш ёки уни тухтатишга каратилиши керак булади. Тола коплами тукилиши мумкин булган ёки тукилабошлаган улик кузиларни билиб олиш унчалик кийин эмас, чунки бу кузилардан бадбуй хид анкиб туради, баъзида эса тола коплами сийракрок усган тана кисмларида сал тола тукилганлиги кузга ташланади, кузининг терисини кул билан ғижимлаб ушланганда кулга тукилаётган толалар ёпишиб колганлигининг гувохи буламиз. Бунака терилик кузилар ёки улардан шилиб олинган терилар даставвал 45-60 дакика давомида фенолли креолин ёки гексалиннинг сувдаги эритмаси тулдирилган идишга чуктириб, ботириб куйилади ва улар вакти-вакти билан аралаштириб, кузатилиб турилади.

Бу эритма I литр сувга I0 г.креолин ва I-3 г. фенолни ёки I литр сувга I0 грамм гексалинни эритиб тайёрланади. Шунда кузининг харбир кг. вазнига 5,5 литр эритма тугри келиши лозим булади. Бу эритмадан 5 маротабагача фойдаланиш мумкин, факат такрор фойдаланиш олдидан суюклик коэффициенти дастлабки чегарагача етказилади, эритманинг кучи

камайиб кетмаслиги учун унга қўшимча 10-15 фоиз фенол ва креолин эритилади. Эритмада ишловдан ўтган қўзилар сал шамоллатилиб, кептирилгач сўйилади ва териси умум қабул қилинган тартиб билан шилиб олинади. Шу тарика ишлов берилган терилар юқорида зикр этилган тартибда ёғсизлантирилади ва тузланади.

Туздан чиққан қоракўл терилари эрта тонгдан очиқ хавода қуритилади. Буни учун юзаси текисланган, тупроғи зичланган, чангимайдиган майдонлардан фойдаланилади. Агар иложини топиб қоракўл териларини майдонларга тўшалган қанорли матоҳлар устида қуритилса яна ҳам яхши натижалар қўлга киритилади, чунки бунда қоракўл терилари ортиқча ифлосланишдан озод қилинади. Териларнинг аввало гўштпарда томони, сўнгра тола қопламли қуритилади. Одатда териларни қуритиш билан бир вақтнинг ўзида уларнинг тола қопламида қотиб қолган қон ва ахлат зарралари ва парчалари,ҳорона парпалари, ёпишган қум ва тупроқ заррларидан аввало ёғоч қирғичлар, ўтмас темир пичоқлар ёрдамида қупол тозаловдан, кейинчалик чўткали станоклар ёрдамида майин тозаловдан ўтказилади. Қоракўл териларининг асл сиймоси аниқ билиниши, сифатининг яққол кўзга ташланиши учун уларнинг тола қоплами кўнгилдагидек тозаланиши талаб этилади, шу туфайли ҳам етарлича тозаланмаган терилар қўшимча қуритиш ва тозалаш учун ўша ишчининг ўзига такрор қайтариб берилиши лозим.

Қоракўл териларини қуритиш ва тозалаш жараёнларида уларнинг гуллари тузғийди, ҳурпаяди, ўзининг асл шаклини вақтинча йўқотади. Гуллари аниқ билинмаган қоракўлнинг товар сифатини аниқлаш, қанақа навга мансублигини айтиб бериш ўта қийиндир, ваҳоланки қоракўл савдоси уларнинг навларига қараб олиб борилади. Қоракўл савдосида одиллик бўлиши, қоракўл гулларининг жимжимадор ва аниқ кўзга ташланиши ва навларга хиллашнинг аниқ бўлиши учун қуритиб, тозаланган терилар-

га "дам" бериладди. Бунда уларни "гулини-гулига" қилиб терилган холда 60-80 см. гача баландликда устун қилиб тахланган холда, устига бирор оғирроқ юк билан бостириб камида билан 72 соатга қолдириладди.

Яхши дам олиб, тузриган гуллари анча босилиб, тикланиб, асл шаклига қайтгач қоракул терилари навларга хилланади. Ўқувчиларда қоракўл териларининг савдоси ялпи сони бўйича бўлаётганлиги туфайли уларни навларга хиллаш шартмикин деган савол туғилиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, қоракўл териларидан тайёрланадиган турли хил кийим-кечакларнинг харбирига маълум нав ва сифатдаги терилар ишлатилади, бунинг устига жахон ким ошди муйна савдоларидаги барча алоқа ва муомалалар фақатгина маълум бир нав бўйича, аниқроги танишиш учун кўргазмага чиқариладиган қоракўл навлари бўйича олиб бориладди. Ким ошди савдоси талаблари бўйича сотилишга қўйиладиган терилар партияси маълум бир навдан ташкил топиши ва уларнинг намуналари эса лотлар сифатида савдо арафасида харидорлар эътиборига хавола қилинади. Шу туфайли хам қоракўл терилари албатта амалдаги тайёрлов стандартлари/ андозалари/ нинг талаблари асосида хилланиши, дасталаниб боғланган бўлиши лозим.

Ошланмаган қоракўл терилар савдоси уларнинг тури, ранги, сатҳ улчами, нави ва нуқсонлилигини инобатга олган холда амалга ошириладди.

1996 йилгача аслзот қораранг қоракул терилари ГОСТ 8748-70, аслзот кўкранг қоракўл терилари ГОСТ 2865-68, аслзот сур ва рангдор қоракўл терилари ГОСТ 11124-65, қоракўлча гурухи терилари ГОСТ 10701-63 рақамли, дурагай қоракул терилари ва ёкабоп терилари хам алохида тайёрлов стандартлари бўйича хилланиб келинган эди. 1996 йилнинг бошидан эътиборан барча рангдаги хом аслзот қоракўл терилари, дурагай қоракул терилари, қоракўлча гурухига мансуб терилар ва ёкабоп

терилар ягона андоза, яъни УзРСТ 641-95 ракамли тайёрлов стандарти буйича хилланадиган булди.

Коракулчилик хужаликларининг рахбарлари, мутахассислари, фермерларнинг кундалик ишларида,узлари етиштирган коракул териларини сотиш жараёнида хаводек зарур булишини инобатга олиб куйида ана шу стандартнинг талабларига киска тухталиб утамиз.

I. Коракул хомашёси куйидаги турларга булинади:

I.I. Асл зот коракул терилари - бутун сатхи хархил шакл ва турдаги коракул гуллари билан копланган, тола коплами хархил даражадаги ижобий ялтироклик ва ипаксимонликда, буйин кисмида жун толасининг тугриланган холдаги узунлиги 30 ммдан, ок ва окчил шерози ранг териларда эса 40 мм.дан ошмаслиги керак. Бош ва оёкларининг юзаси хархил гуллар ёки мухаяр накшлар билан копланган, думининг асоси кенг, уч кисми коракул зотига хос усимта хосил килган, юзаси коракул гуллари билан ёки мухваяр накшлар билан копланган.

I.2. Дурагай коракул терилари - одатда коракул зотининг думбали куй зотлари билан чатиштириш олинади ва анча паст нархларга сотилади. Бу терилар куйидаги белгилари билан ажралиб туради: тола коплами дагал, ипаксимонлиги паст, шишасимон ёки хира ялтирокликда, терининг асосий майдонида хархил коракул гуллари таркалган, четлари эса силликлашган гуллар, баъзан хурпайган ёки силлик толалар билан копланган. Боши, оёклари ва думи мухаяр накшлар ё ки силлик толалар билан копланган. Буйин кисмида толаларнинг тугриланган холдаги узунлиги 30 мм.дан, шерози ва ок ранг териларда 40 мм.дан ошмаслиги керак.

I.3. Коракулча гурухи терилари - онасининг корнидан ёриб олиниш, бола ташлаш ва бошка сабаблар туфайли чала тугилган хомилалардан олинади ва энг кимматбахо хисобланади. Коракулча гурухи терилари куйидаги турларга булинади:

а.Қоракўл- қоракўлча терилари - тола қоплами қалин, бироз кўтарилган, ипаксимон ва ялтироқ, дурагай териларнинг тола қоплами дағал ва шишасимон ялтироқ. Майдони бўйлаб паст, энсиз қалами ва ёл гуллар муҳаяр нақшлар билан аралашиб жойлашган.

б. Қоракулча терилари - тола қоплами қалин, лекин калта, ипаксимон ва ялтироқ. Дурагай териларнинг тола қоплами дағал ва шишасимон. Асосий майдони бўйлаб яққол кўзга ташланувчи муҳаяр нақшлар тарқалган. Тери тўқимаси юпқа.

в. Тақир терилар - Тола қоплами жуда калта, силлиқ, ялтироқ ёки ялтироқлиги паст. Энг яхшиларида билинар- билинмас товланувчи нақшлар кўзга ташланиши мумкин.

I.4. Ёқабоп терилар - турли сабабларга кўра муддатидан анча кечиктириб сўйилган қўзилардан олинган ўсиқ жунли терилар бўлиб, уларнинг тола қоплами турли даражадаги ипаксимонлик ва ялтироқликда бўлади, гуллари йирик, анча калтарган, қимматли шаклдагилари анча кам. Бўйнида толаларнинг тўғриланган холдаги узунлиги 3 см.дан 5 см.гача бўлади. Бу териларнинг нархлари ўта арзондир.

2. Қоракўл хомашёсига берилган бирламчи ишлов сифати қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- тери қўзи томоғининг ўртасидан думининг асосигача тўғри тилинib, боши, думи ва оёқларининг туёғигача сақланган, гўштпарда томонидан тола илдизларига зарар етказилмаган холда шилиб олинган ,
- гўштпарда томони гўшт, ёғ, тоғай ва пай қолдиқларидан тозаланган ,
- тузлаб ёки тузламай қуритилган, фермент-кимёвий ёки ачитиш усулларида ишлов берилган ,
- тузлаб ёки тузламай қуритилган териларнинг асосий майдони

ва иккинчи даражали кисмлари/ оёклари, боши ва думи/ ривимларсиз, меъёрида куритилган, тола коплами ва гуштпарда томони ифлосликлардан, котган кон зарраларидан тозаланган, синчковлик билан ёғсизлантирилган ,

- ачитиш ёки фермент-кимёвий усуллар билан ишлов берилган териларнинг гуштпарда томони текис, доғларсиз окиш рангда, тола коплами ифлосликлардан яхши тозаланган булиши керак.

3. Аслзот коракул териларини хиллаш тартиби

Барча рангдаги аслзот коракул терилари стандарт юзасининг улчамига караб куйидаги гурухларга булинади :

I - жадвал

| Сатҳ улчами гурухлари | Терининг сатҳи, кв. см.ларда | |
|---|---|---|
| | Тузлаб ёки тузламай куритилган | Ачитиб, фермент-кимёвий усул билан ишлов берилган |
| Катта | I400 дан ортиқ | I250 дан ортик |
| Урта | 900 дан I400 гача | 8000дан I250 гача |
| Кичик | 5000 дан 900 гача | 450 дан 800 гача |

Эслатма: Териларнинг стандарт юзаси уларнинг буйин асосидан то дум асосигача булган узунлигини олдинги култик ортидаги кенглигига купайтириш йули билан аникланади.

Булардан фақат катта ва урта улчамдаги терилар навларга хилланади холос. Кичик улчамдаги аслзот терилар накадар юкори сифатли булишига карамасдан навларга хилланмайди ва барчаси учун бирхил нархлар билан хак туланади.

3.2. Тола копламининг рангтига караб аслзот коракул терилари куйидаги ранг гурухларига булинади:

а. Кора ранг терилар - бутун майдони текис кора рангда ёки бу-шашган, сал кунгирлашган кора /зайтуни/ рангдаги хамда асосий майдонида 12 см.кв.гача олалиги булган кора терилар киритилади.

б. Шерози /кук/ ранг терилар - бу ранг терининг бутун майдони буйлаб ок ва кора ранг толаларнинг текис, равон аралашиб усишидан хосил булади. Бу ранг терилар орасида сутсимон/ молочная/, пулатранг / стальная/, хаворанг/голубая/, кумушранг/серебристая/, марваридранг /жемчужная/, окишранг/седая/, садафранг/перламутровая/ ва кора шерози/черн-седая/ рангбарангликлари фаркланиб, улардан оч кук тусдаги пулатранг, урта шерозидаги хаворанг, кумушранг ва марваридранг, тук шерозидаги окиш рангбарангликлар энг кимматли хисобланади. Мабодо, кора шерози териларнинг елка кисмидан то думгаза кисмигача утувчи шерози рангдаги тасмаси узилган булса, улар рангдор терилар каторига киритилади.

в. Сур ранг терилар - бу ажойиб ранг толалар узунлиги буйлаб ранг зарфаларининг нотекис жойлашишидан, яъни толаларнинг остки тук кисми билан устки оч ёки окчил учи уртасидаги фаркланиш хисобига хосил булади. Сур ранг терилар олиниш манбаъларига кура бухоро, коракалпок ва сурхондарё сурларига булинади. Бухоро сури уз навбатида тилларанг/золотистая/, кумушранг/серебристая/, олмосранг/алмазная/ ва оч бинафшаранг/сиреневая/ рангбарангликларига, коракалпок сури пулатранг/ стальная/, урикгул/цветок абрикоса/, шомчирокгул/пламя свечи/ ва камар рангбарангликларига, сурхондарё сури бронзаранг, околтин ранги/платиновая/, кахрабоaccording/янтарная/ ва тошкумирранг/антрацитовая рангбарангликларига булинади. Мабодо, териларнинг юзаси буйлаб сур ранги нотекис таркалган булса ёки сур ранги аник кузга ташланмаса бу терилар рангдор терилар каторига утказилади.

г. Бошка рангдаги терилар - бу гурух куйидаги ранг териларни уз

ичига олади:

- гулигаз ранг оқ ва жигарранг ёки оқ ва сурранг толаларнинг тери юзаси бўйлаб равон аралашиб ўсишидан ҳосил бўлади ;

- камбар/жигарранг/ тола қопламаи ҳархил туклигидаги текис камбар ранггида ;

- зармалларанг/тук сарик/ толаларнинг остки қисми тук малларанг дан учлари томон оч малла ранггача пасайиб боради ;

- "халили" мутаносиб жойлашган қора доғли камбар терилар ёки қамбар доғли кора ранг терилар ;

- "жиякланган" териларнинг асосий ранги камбар ранг бўлганида четлари кора ранг жияк билан безалган ёки бунинг акси - асосий ранги кора бўлганида четлари қамбар ранг жияк билан безалгандир ;

- "кировланган" кора терилар - кора ранг терилар юзасининг ҳар жойида текис тарқалган сийрак оқ ранг толалар ўсади ;

- ола терилар - юқорида санаб ўтилган барча ранг териларнинг асосий майдонида умумий сатҳи 12 кв.См.дан ошиқ ола доғлари бўлган терилар. Терининг олалиги аниқланганда боши, думи ва оёқларидаги доғларнинг қанака майдонда бўлишидан қатъи-назар инобатга олинмайди.

3.3. Катта ва ўрта ўлчамдаги аслзот қоракўл терилари юзасидаги гулларининг сифатига, тола қопламининг ипаксимонлиги ва ялтироқлигига, қалинлигига, ранггининг текислиги ва ифодаланиш даражасига, тери мағзининг қалинлигига қараб навларга хилланади.

3.3.1. Аслзот қора ранг қоракўл терилари аввало сатҳидаги қоракўл гулларининг хил ва шаклларига, тола қопламининг ўсинкираганлигига қараб 4 барра гуруҳига, яъни қаламгулли/жакет/, ковурғасимонгулли, ясси гулли ва ўсикгулли/кавказский/ гуруҳларга ажратилади ва ҳар бир барра гуруҳ ичида гулларнинг ўлчамларига, тери тўкимасининг қалинлигига, тола қопламининг қалинлигига қараб айрим навларга ажра-

тилади.

Қаламгулли/жакет/ барра гуруҳидан 4 биринчи нав, яъни қаламгулли/жакет/ I, кирпук, қалин калами/жакет/ ва москов жакети навлари чиқади.

Қовурғасимон гулли гуруҳдан 2 биринчи нав, яъни ковурғасимон I ва ковурғасимон қалин I навлари чиқади.

Ясси гулли гуруҳдан ҳам 2 биринчи нав, яъни юпқа яссигул I ва қалин яссигул I навлари чиқади.

Усиқгулли/кавказ/ гуруҳдан фақат I биринчи нав, яъни қалин усиқгулли/кавказский толстый/ нави чиқади.

I-навларнинг талабларига жавоб бераолмайдиган кора ранг терилар барра гуруҳлардан ташқари ҳисобланади ва сифатининг яхши ёки ёмонлигига қараб иккинчи ҳамда учинчи навларга киритилади.

3.3.2. Аслзот шерози, сур ва бошқа рангдаги барча териларнинг катта ва ўрта улчамдагилари рангининг ифодаланиш даражасига, рангининг текис тарқалганлигига, гуллари ва тола қопламининг сифатига қараб қуйидаги тартиб билан навларга хилланади, яъни улардан 4 биринчи навлар,- қаламгулли/жакет/ I, ковурғасимонгулли I, яссигулли I ва усиқгулли/кавказ/ I,- ажратилади. Ана шу биринчи навларнинг талабларига жавоб бермайдиган терилар эса сифатига қараб иккинчи ва учинчи навларга ажратилади.

3.4. Юзасида мавжуд булган нуқсон ва иллатларнинг тури ва улчамларига қараб ҳарбир сатҳ улчами ва навлари ичида аслзот қоракул тери лари қуйидагича меъёрли ва нуқсонли гуруҳларга ажратилади / 2 -жадвалга қаранг/.

Қоракул савдоси пайтида табиийки, теридаги нуқсонларнинг тури ва улчамларига қараб харид баҳолари пасайтирилади, айримлари эса умуман савдодан чиқариб ташланиши ҳам мумкин.

2 - жадвал

Аслзот коракул териларини нуксон гурухларига ажратиш

| Нуксонларнинг номлари | Тери гурухлари: Меъёрли | Тери гурухлари: Нуксонли |
|---|---|---|
| Шаклини йукотган, шакли узгарган гуллик, кигизланган, тола коплами куйик майдонлар, кв.см.ларда: | | |
| - бели ва сагрисида | I0.гача | I0.дан I50.гача |
| - терининг бошка кисмларида | 20.гача | 20.дан 250.гача |
| Месик, йиртик, синик ва тикиллар умумий узунлиги, см.ларда | 5.гача | 5.дан 30.гача |
| Тешик, ишкаланган жойлар, тери чеккасидаги кемтиклар/боши, думи ва оёкларидан ташкари/ умумий сатхи кв.см. ларда | 4.гача | 4.дан I20.гача |
| Куя еган, ювилмайдиган доглар чапланган, саргайган доглар, буришган кисм умумий сатхи кв.см.ларда | Йул куйилмайди | I20.гача |
| Терининг айрим кисмлари етишмаслиги | Йул куйилмайди | Боши, думи, буйни ва оёклари |
| Нотугри суйиш, юмалоклаб куритиш | Йул куйилмайди | Йул куйилмайди |
| Терининг идраб, тешилувчан жойлари, тола коплами кирилган ва тукилган жойлари, тери тукимасининг чириши купи билан терининг 3 жойида учраса, умумий майдони кв.см.ларда | Йул куйилмайди | 40.гача |
| Шерози териларда яркиллаб кузга ташланувчи сарғиш ва қизғиш рангга буялганлик | Йул куйилмайди | Рухсат этилади |

Эслатма: Юзасидаги нуксонларнинг улчами нуксонли гурух учун кузда тутилган чегаралардан ошиб кетган ёки булмаса икки ва ундан ортикрок турдаги нуксонга эга булган терилар сон жихатидан хисобга олинадиган яроксиз териларга киритилади.

## 4. Дурагай қоракўл териларини хиллаш

4.I. Дурагай қоракўл терилари аслзот қоракўл каби ранг гурухларига ажратилади.

4.2. Дурагай қоракўл нинг сатх ўлчамларига кўра гурухларга бўлиниши аслзот қоракўлникидан фарқ қилмайди.

4.3. Гулларининг сифатига, тола қопламининг сифатига қараб дурагай қоракўл терилари биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратилади.

4.4. Юзасида мавжуд бўлган нуқсонларнинг тури ва ўлчамларига кўра дурагай қоракўлнинг ҳарбир ранг, ўлчам ва нав ичида меъёрли ва нуқсонли гуруҳларга ажратилиш тартиби 2-жадвал талабларига биноан амалга оширилади

## 5. Қоракўлча гуруҳи териларини хиллаш

5.I. Аслзот қоракўлча терилариниг аслзотлилик белгилари тола қопламининг ижобий ипаксимон ва ялтироқ бўлишида ва думининг асосида кенг бўлиб, учига томон торайбориб қоракўл зотига хос ўсимта билан якунланишидадир.

5.2. Дурагай қоракўлча терилариниг тола қоплами дағал ипаксимон, хира ёки шишасимон ялтироқликда бўлади, думи эса асосида кенг бўлишига қарамасдан учида катта тумтоқ ўсимта бўлади ёки умуман ўсимтасиз бўлиши мумкин.

5.3. Тола қопламининг рангига кўра қоракўлча терилари қора, шерози, сур, гулигаз, бирхил рангли ва ола рангларга бўлинади.

5.4. Сатх ўлчамига/стандарт юзасига/ қараб қоракўлча терилари ва қоракўл-қоракўлча терилари катта, ўрта ва майда ўлчамларга бўлинади ва бу ўлчамларнинг таърифи қуйидаги 3-жадвалда келтирилгандир:

3 - жадвал

Қоракўл-қоракўлча ва қоракўлча териларининг ўлчамлари

| Сатх ўлчами гурухлари | Терининг сатх ўлчами, кв.см.ларда: Тузлаб ёки тузламасдан куритилган | Терининг сатх ўлчами, кв.см.ларда: Ошлов, фермент-кимёвий усулда ишлов берилган |
|---|---|---|
| Катта | 900.дан ошик | 800.дан ошик |
| Ўрта | 600.дан ошик-900.гача | 400.дан ошик - 800.гача |
| Кичик | 400.дан - 600.гача | 300.дан - 400.гача |

5.5. Қоракўлча гурухи терилари қуйидаги тартибда навларга хилланади:

5.5.а. Паст, тор қалами ва ёл гуллар билан аралашган мухаяр нақшларнинг асосий майдонда эгаллаган салмоғига қараб қоракўл-қоракўлча терилари биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратилади.

5.5.б. Яққол кўзга ташланувчи мухаяр нақшларнинг асосий майдонда эгаллаган салмоғига қараб қоракўлча терилари биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратилади.

5.5.в. Тақир терилар тола қопламининг рангига, сатх ўлчамига кўра айрим гурухларга ажратилмайди. Тола қопламининг қалинлигига, мухаяр товланишнинг кўзга ташланишига қараб тақир терилар биринчи, иккинчи ва учинчи навларга ажратилади. Учинчи нав талабларига жавоб бермайдиган тақир терилар нестандарт/яроқсиз/ хисобланади. Асосий майдонида бирор нуқсони бўлган тақир терилар бир нав пастга тушириб қабулланади. Иккинчи даражали қисмларининг бўлмаслиги ёки уларда нуқсонлар мавжудлиги тақир терилар учун нуқсон хисобланмайди. Нестандарт тақир терилар умуман тери сонига хисобланмайди, улар қоракўл савдосидан чиқарилиб ташланиши лозим.

Библиотека
СамСХИ
Яо 3248 2/4

5.6. Юзасида мавжуд нуқсонларнинг тури ва улчамига қараб асл-зот ва дурагай қоракўл-қоракўча, қоракўлча терилари қуйидаги тартибда гурухларга ажратилади:

4 - жадвал

Қоракўлча териларининг нуқсонлари

| Нуқсонларнинг номлари | Улчамлари: Меъёрли | Улчамлари: Нуқсонли |
|---|---|---|
| Йиртиклар, тиликлар, кесилган ва тикилган жойлар, умумий узунлиги, см.да | 5.гача | 5.дан ошик 30.гача |
| Четидаги кемтиги, тешиклари, тола копламини кирилиб, фақатгина тола томирлари колган жойлар, умумий майдони кв.см.да | 4.гача | 4.дан ошиқ 32 |
| Кийшиқ суйилган, ғижим қолида куритилган | Йул қуйилмайди | Йул қуйилади |
| Терининг айрим қисмлари етишмаслиги | Йул қуйилмайди | Боши ёки думи, боши бўйини билан боши,бўйини ва думи |
| Куя еган,терихўр хашоротлар еган, занглаган доғлари, тери тўкимаси шохланган жойлар, умумий майдони кв.см.ларда | Йул қуйилмайди | 32.гача |
| Жуни тукилган, кал жойлар,тери тўкимаси идраб чириган, қурукшаб колган жойлари, см.кв.ларда | Йул қуйилмайди | 20.гача |

6. Ёкабоп териларини хиллаш

6.I. Тола копламининг ранггига караб ёкабоп терилари кора,рангдор ва ола рангларга булинади. Ола териларга асосий майдонида асосий рангидан бошка хил рангдаги доғлари хажми I5 см.кв.дан ошик бўлган терилар киритилади.

6.2. Ёкабоп терилари сатх улчамларига кура гурухларга булинмайди

6.3. Гулларининг сифати ва улчамларига, тола копламининг сифа-

тига қараб ёқабоп терилари биринчи, иккинчи ва учинчи навларга бўлинади.

6.4. Юзасида мавжуд нуқсонларнинг тури ва ўлчамларига қараб ёқабоп терилари қуйидаги тартибда гуруҳларга ажратилади:

5 - жадвал

Ёқабоп териларнинг нуқсонлари

| Нуқсонларнинг номлари | Тери гуруҳлари | |
|---|---|---|
| | Меъёрли | Нуқсонли |
| Йиртиклар, синиқлар, тикишлар, кесиклар(бош, оёқ ва думдан ташқари), умумий узунлиги см.ларда | 15.гача | 15 дан ошиқ 50.гача |
| Тешиклар, тола қоплами кирилган жойлар, кемтиклар(боши, думи ва оёқлагилардан ташқари) умумий майдони см.кв.ларда | 20.гача | 20.дан ошиқ 250.гача |
| Терининг айрим қисмлари етишмаслиги | Йўл қўйилмайди | Боши, бўйни ва оёқлари |
| Сифатсиз бирламчи ишлов берилиш | Йўл қўйилмайди | Ғижим ҳолида қуритилган |
| Куя еган, терихўр ҳашоротлар еган, ювилмайдиган бўёқ чапланган, занглаган доғлар, тери тукимаси чийкаган жойлар умумий майдони см.кв.да /агар улар кўпи билан 3 жойда бўлса/ | Йўл қўйилмайди | 200.гача |

## 11. ҚЎЗИ ШИРДОНЧАЛАРИГА БИРЛАМЧИ ИШЛОВ БЕРИШ

Қоракўлчиликнинг бозор иқтисодига ўтиш даврида ишлаб чиқарилиши учун махсус харажатлар талаб этмайдиган қўшимча маҳсулотларни нест-нобуд этмасдан йиғиб олиш, уларга сифатли ишлов бериш ҳамда уларни мақбул йўллар билан сотиш муҳим аҳамият касб этади. Биз бу ўринда қўшимча маҳсулотларнинг асосийларидан бири бўлган қўзи ширдончаларини назарда тутмоқдамиз.

Кўзи ширдончалари пишлок тайёрлаш, табиий дори-дармонлар, хар-хил русумли елимлар тайёрлаш билан машғул бўлган корхоналар учун асосий хомашё хисобланади.

Ширдонча кўзи ошкозонининг бир бўлмаси бўлиб, деворларининг ички юзасини копловчи шилимшик пардага пепсин ферментини ишлаб чиқарувчи махсус хужайралар жойлашгандир.

Кўзи ширдончаларига дастлабки ишлов бериш унчалик мураккаб ва кийин бўлмаганлиги сабабли бу ишни хар бир хўжаликда бемалол ташкил килиш мумкин. Ширдончаларга ишлов бериш куйидаги жараёнларни ўз ичига олади : суйиш учун олиб келинган кўзилар орасидан ярокли ширдонча берадиганларини танлаш, териси шилиб олинган барранинг корин бўшлигидан ширдончасини ажратиб олиш, ширдончани ичидаги катиғидан тозалаш, хаво тўлдирилиган ширдончаларни куритиш, куриган ширдончаларни навларга хиллаб, тахлаб куйиш.

Сифатли ширдончалар она сутини бир неча бор эмган кўзилардан олинади. Улган, улик туғилган ва она сути эммаган тирик кўзиларнинг ширдончалари ярокcиз хисобланади.

Кейинги йилларда холати яхшиланмаётган хамда майдони кискариб бораётган яйловларга йилдан-йилга бош сони ошиб бораётган майда шохли моллар/ биз бу уринда жамоат чорваси каторида шахсий хўжаликларнинг молларини хам назарда тутмокдамиз/ нинг йил бўйи бокилиши, ёғин микдорининг йиллар бўйича кескин ўзгариши инобатга, яйлов хосилдорлигининг кўнгилдагидек бўлмаётганлиги эътиборга олинадиган бўлса туғ мавсумида ўстиришга колдириладиган кўзи сони яйловлар холатига караб бироз чегараланиши лозимдир.

Туғ мавсумида совлик сурувининг бош чупони хам, хўжалик мутахассиси ва рахбари хам суйим учун мўлжалланган тирик кўзиларнинг она сути эмганлигини назорат килиб боришлари керак. Утказган тадкикот-

ларимиз тери учун суйиладиган хар 100 кўзининг 30-40 боши она сути эммаган, 15-20 боши улик турилганлигини, факатгина 40-50 боши сифатли ширдонча бераолишлигини кўрсатди. Жойларда ўтказган тажрибаларимиз қўзиларга қулдан сут эмизиш йўли билан яроқли ширдончалар миқдорини анча купайтириш ва сифатини яхшилаш мумкинлигини кўрсатди. Буни учун сурувларда, суйим пунктларида она сути эммаган тирик қўзиларга / бу хил кўзилар ташқи кўринишидан ажралиб туради/ 37-40° иссикликдаги 100-150 грамм қўй сутидан сурғичли шиша идиш ёрдамида эмизилиб 3-4 соат ўтгач тери учун суйилса яхши натижаларга эришилади.

Суйимга келтирилган қўзиларни эмизиш учун лозим бўладиган соғим совликлар тудаси қўзиси суйимга жунатилган катта елинли хайвонлардан ташкил топиб, суйим пункти ёнида жихозланган охурли курада озиклантириб, асралади ва кунига бир марта, яйловлар серхосил бўлганида икки маротаба хам соғилиши мумкин. Бу тудада неча бош соғиладиган совлик бўлиши бир кунда суйиладиган тирик қузи сонига боғлиқ бўлиб, ўртача хар 3-4 суйиладиган қўзига бир бош совлиқ бўлса кифоя.

Совликлар камалиб асралганда хар бош учун кунига 2 кг. пичан, 1 кг. похол ва 300-400 грамм ем сарфи кўзда тутилиши лозим бўлади. Яйловлар холати кунгилдагидек бўлганида совликларни кун бўйи яйловда боқиб, фақат соғим учун ва кечкурун камаш учун қурага хайдаб келинади.

Суйилиб, териси шилиб олинган барранинг қорин бўшлиғи пичоқ билан ёрилиб, у ердаги овқат хазм қилиш органлари ташқарига чиқарилади ва улар орасидан ширдонча ажратилиб, кесиб олинади. Бунда, ширдончани қаткорин ва 12 бармоқли ичак билан бириккан жойларидан қушимча 4-5 см. усимта қолдирилиб кесилади. Сунгра авайлаб қул билан сиқиб ширдонча ичидаги увуз катиғидан тозаланади. Ширдончани тозалаш учун сув

билан ювиш ёки бўлмаса пичоқ каби қаттиқ буюмларни ишлатиш катъиян ман этилади. Ширдончанинг сиртки деворлари хои чагвидан, қон томирларидан авайлаб тозаланади.

Тозаланган ширдончаларнинг қатқорин томонидан қолдирилган ўсимтаси ип билан богланиб, иккинчи учидан хаво юборилади ва шу холатда боглаб қўйилади.

Ичи хаво билан тўлдирилган ширдончалар жуфт-жуфт қилиб олиб қўйилган холда соя ва салқин жойда қуритилади. Бунда хаво хароратининг +35°С ошиб кетиши ва тик тушувчи қуёш нурлари таъсирида ферментнинг эриб кетишидан ширдончанинг яроқсиз холда келишини унутмаслик лозим. Ширдончалар 2-3 кун давомида қовжираб қурийди ва уларни богланган учлари кесилиб навларга хилланган 25 донадан қилиб дасталаниб 2 жойидан ип билан боглаб, ёгоч ёки картон қутичаларга жойлангач қоронги, салқин ва қуруқ бинода сақланади.

Узокроқ муддатга сақланган тайёр ширдончалар терихўр зараркунандалар ва каналар хуружидан яроқсизга чиқиб қолишига олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида уларга нафталин, ДДТ, тамаки чанги, қалампир ёки бошқа тур воситаларни сепиш тақиқланади.

Бунинг олдини олишнинг энг қулай йўли тайёр ширдончаларни эртароқ истъмолчиларга сотишдир.

## III. Қўй териларига ишлов бериш.

Қоракўлчилик хўжаликлари учун асосий махсулот хисобланувчи қоракўл териси, жуни ва гўштидан ташқари қўй териси хам даромад манбаи хисобланади.

Қўй терилари жун қопламининг сифатига қараб мўйнабоп ва пўстинбоп бўлиши мумкин. 8439-57 рақамли тайёрлов стандартининг талабларига биноан қоракўл ва жайдари зот қўйларининг терилари даштнинг пўстинбоп терилари каторига киритилади. Амалдаги тайёрлов стан

дарти бўйича жун қопламининг баландлиги 6 см.дан ошиқ қўй терилари сержун (шерстная), 2,5 см.дан ошиқ 6,0 см.бўлганлари ўрта жунлик (полушерстная) гуруҳларга киритилади, 2,5 см.ва ундан қисқа жунлик терилар калта жунлик (низкошерстная) ҳисобланиб, 1134-51 тайёрлов стандартини бўйича чамалаб ҳ навё сифатида қабулланади. Юқорида санаб ўтилган тери гуруҳлари учун белгиланган харид нархлари бир-биридан фарқ қилади. Шу туфайли ҳам қўйларнинг сўйилиш муддатини уларнинг терисидаги жун қопламининг баландлигини инобатга олган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Қўй териларидан ҳар хил турдаги узун ва калта пўстин, нимча тикилади, чарм хомашёси тайёрланади. Хўжаликларда бирламчи ишлов бериш қоидаларининг бузилиши оқибатида териларнинг бироз қисми яроқсизга чиқиб қолмоқда, анча қисми нуқсонлилиги учун арзон нархларга сотилмоқда. Бунга қўйларнинг нотўғри сўйилиши, териларнинг кўполлик билан шилиб олиниши, анча кечикиб тузланиши, эътиборсизлик билан қуритилиши, ноқулай шароитларда сақланиши сабаб бўлмоқда.

Қўйларни сўйиш унчалик қийин эмас, лекин буни учун маълум даражада тажриба ва масъулият талаб этилади.

Қўй тоза, чанги чиқмайдиган тупроқли майдонда, энг яхшиси тахтасупа устида сўйилгани маъқул. Қўй бўғизланадиган жойга оқадиган қонни йиғнайдиган идиш ўрнатилиши керак бўлади.

Қўйни сўйиш иши бўғизлашдан бошланади. Бунда оёқлари боғланган қўйнинг боши орқасига қайрилиб бўйин остидан териси узунасига 8-10 см.узунликда тилинади, сўнгра тери остидаги қон томирлари, қизилўнгач ва нафас йўллари кўндалангига кесилади. 15-20 дақиқа давомида ҳайвон организмидаги қон оқиб бўлгач дарҳол терини шилиб олишга киришилади. Бу иш осонроқ кўчиши учун ёғоч ва майдароқ қўйларнинг орқа оёғи сакрам бўғинининг юқорироғидан тери 3-5 см.узунликда тилинади ва шу тешик

орқали тери остига 0,20–0,25 босимдаги ҳаво юборилади. Ҳаво қўйнинг танасининг барча қисмларига текис тарқалиб, бўғизланган жойдан ҳаво пуфакчалари ажралиб чиқа бошлагач тери остига ҳаво юбориш тўхтатилади.

Катта ёшли қўйлар сўйилганда тери остига ҳаво юбориш мажбурий эмас. Терини шилиб олиш қўйнинг бўйни ости, тўшинг, қорининг ўрталиги бўйлаб то орқа чиқарув тешигигача пичоқнинг ўткир учи билан тўғри чизиқ кўринишида тилинади, олдинги ва орқа оёқларнинг тизза ва сакраш бўғинлари устидан ички томони бўйлаб ўтказиладиган тилик марказий тилик билан бирлаштирилади. Ана шу тиликлар бирор томонга оғмасдан ўтказилиш зарур, шундагина қўй терилари тўғри, мутаносиб шаклга эга бўлади. Тананинг марказий тилиги пичоқ билан орқа чиқарув тешигигача етказилиб, думбанинг кучсиз сочли юзаси чеккалари бўйлаб айлантириб чиқилади. Терини шилиш гавдани орқа оёғидан осиб қўйган ёки махсус стол устига ётқизган ҳолда амалга оширилади. Юпқа ва нозиклигини инобатга олган ҳолда қўй терисини эҳтиётлик билан тешиб, йиртиб ёки кесиб қўймасдан шилиб олиш талаб этилади.

Кейинги пайтларда меҳнат унумдорлигини ошириш, нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида терини механизмлар ёрдамида шилиб олиш кенг қўлланилмоқда. Албатта бу иш хўжаликлараро миқёсида ташкил этилса яхши бўлур эди, чунки бунда қўй терисининг сифати анча яхшиланарди.

Янги шилинган қўй терилари таркибида 66-67 % сув бўлиб, бунақа сернам, илиқ муҳит тери тўқимасида бўлган зарарли микроорганизмларнинг тез кўпайиши учун ўта қулайдир.

Қўй териларини нуқсонларсиз узоқ муддатли сақлашга эришиш учун тери тўқимасида зарарли микроорганизмларнинг ривожланиши, кўпайиши учун ноқулай муҳит яратиш лозим бўлади. Бунинг учун тўқимасига нейтрал тузлар эритмасини сингдириш йўли билан у ердаги осмотик босимни кўтариб, оқсилли элементларнинг физико-кимёвий ҳолатини ўзгартириш лозим бўлади.

Ана шу мақсадлар учун Ўзбекистон шароитида терилар тузланади ва бунда фойдаланиладиган туз таркибида магний хлор қўшилмаси 1,0 фоизгача кальций ва магний сульфати қўшилмаси 1,5 фоизгача бўлишига рухсат этилади.

Терини тузлаш жараёнида терига сепиладиган туз вазнининг 2,4 фоизи миқдорида парадихлорбензол, тери вазнининг 0,5 - 0,7 фоизи миқдорида кремнефторли натрий ишлатилганда яхши натижалар қўлга киритилади. Терини тузлашда 100:3:2 нисбатидаги ош тузи, сода ва парадихлорбензол аралашмасидан фойдаланиш тузланган териларда чириш ҳамда туз доғларининг бўлмаслигини таъминлайди.

Тузланиш кўнгилдагидек бўлиши учун терининг гўштпарда томони ёғ, мушак, пай ва тоғай қолдиқларидан тозаланиши керак. Бу ишни иложи бўлса ММ-3, ММ-4, ММ-200 русумли қириш станокларида, ЛСК, АСВ, АСВ-47 русумли ранлалаш машиналарида, иложи бўлмаган жойларда қўл қиргичлари ёрдамида бажариш мумкин. Гўштпарда томони ифлосликлардан тозаланмаган, ёғсизлантирилмаган терилар бир томондан кўнгилдагидек тузланмаса, иккинчи томондан тузвдан чиққач бир текис қуримайди.

Янги шилинган қўй терилари ёғсизлантирилиб бир соатлар чамаси совутилгач дарҳол тузланиши лозим. Терилар қуйидаги усуллар билан тузланиши мумкин: тузланиб, нам ҳолда сақланувчи терилар, "тузлук"усулида тузланган терилар, тузлаб қуритилган терилар.

<u>Тузланиб, нам холида сакланувчи терилар</u> - қўй териси махсус ёғоч пиллапоялар устига гўштпарда томони юқорига қаратиб текислаб ёзилади ва қуруқ ош тузи унинг барча қисмларига бирхил қалинликда сепиб чиқилади, иккинчи тери ҳам шу тартибда унинг устига ёткизилиб тузланади ва ҳоказо. Бир терини тузлаш учун кетадиган туз миқдори янги шилинган тери вазнининг ўртача 30 фоизини ташкил қилади, яъни вазни 5 кг. бўлган терини тузлаш учун 1,5 кг. атрофида туз сарфланади. Хўжалик ша-

роитида терилар тузланиши 4-7 кун давом этиб, тузлан чиққан тери вазнининг 45-47 фоизини сув ва I4-I5 фоизини ош тузи ташкил килади. Бу терилар нисбий намлиги 80-90 фоиз, ҳарорати +I2 $^{o}$С.гача булган муҳитда сакланиши керак булади. Нисбий намлиги 75 фоиз ва ундан кам булган муҳитда терилар тез намлигини йуқотиб, куриб колади, 92 фоиз ва ундан юқори намликка эга булган муҳитда эса терилар намикади, тери тукимасида бузилиш бошланади.

"Тузлиқ" усулида тузлаш - терилар тозаланиб, ёрсизлантирилиб, ювилади, сувлари окиб булгач унинг вазни аникланади. Сунгра бу терилар суюқлик коэффициенти 2,5 - 4,0 га тенг булган туз эритмаси тулдирилган идишга ботириб, ташлаб қуйилади, яъни бунда терининг бир бирлик вазнига 2,5 - 4,0 бирлик туз эритмаси тугри келиши лозим. Тузловчи эритма ҳар бир литр сувга 250 - 270 грамм ош тузини эритиб тайёрланади. Бу усул икки тартибда қулланиши мумкин, яъни олдин қуруқ туз билан тузлаб, кейин "тузлиқ" усулини қуллаш ёки бунинг тескариси, - олдин "тузлиқ/" усулини қуллаб кейин қуруқ туз билан тузлаш.

"Тузлиқ" усулида тузлаш +I5 - +I8 $^{o}$С ҳароратда кичик сунъий ҳавзаларда, қулбола идишларда амалга оширилади. Бунда терилар вакти - вакти билан қузғатилиб, аралаштирилиб турилади, тери марзидан ажралувчи шира ҳисобига суюлган эритмага лозим даражада қушимча туз эритилиб унинг қуюқлиги меъёрига етказилиб турилади. Бу усулда терилар 8-I0 соат давомида "тузлиқ" эритмасига ботириб қуйилади, ундан кейин 2-3 кун давомида қуруқ туз билан тузланади. Бу усулнинг асосий камчилиги туз сарфининг одатдагига нисбатан I,5 баробарга ошиб кетишида булиб, уни тузатиш мумкин. Сувда эритилган туз вазнининг I фоизи миқдорида кремнефторли натрий эритмага қушилса ва қушимча қуруқ туз эритиш йули билан эритма қуюқлиги меъёрида ушлаб турилса, ундан 5 маро-

табагача фойдаланиш эвазига туз сарфини кескин камайтириш мумкин.

Тузлаб қуритиш - юқорида таърифланган тартибда тузланган терилар очиқ ҳавода ёзилган ҳолида қуритилади. Бу усулнинг камчилиги сернам муҳитда сақланувчи териларнинг намиқиб қолиши оқибатида тери тўқимасида бузилиш жараёнлари бошланиши, терихўр ҳашоротлар ҳуружига учраш хавфи борлигидир.

Қўй териларининг сифати олинадиган даромад миқдорига сезиларли таъсир қилади. Уларнинг навлари мавжуд нуқсон ва иллатлар сонига тери юзасининг қанақа қисмларида уларнинг учрашига қараб ўзгариб туради.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг терисида учрайдиган нуқсонларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а. Ҳайвонлар ҳаётлилигида ҳархил тери касалликлари асорати, жун ва тери қопламининг жисмоний таъсир оқибатида зарарланиши, боқиш ва асраш шароитидаги камчиликлар туфайли пайдо бўлувчи нуқсонлар. терида қўтир излари мавжудлиги, жун қопламининг қийин ажралувчи тиконлар билан ўта ифлосланганлиги, жун қопламининг сийраклашганлиги, жун толаларида "оч ингичкаликнинг" мавжудлиги.

б. Нотўғри сўйиш оқибатида пайдо бўлувчи нуқсонлар - теридаги тиликлар, тешиклар, қирилган жойлар, тери четида кемтиклар пайдо бўлиши, йиртиқлар ва ҳоказолар.

в. Нотўғри тузлаш ва сақлаш туфайли пайдо бўлувчи нуқсонлар - қуя ва терихўр ҳашоротлар ҳуружи, жун толалари тўкилиши, тери тўқимасининг чириши, терининг ғижим бўлиб қуриши, гўштпарда томонидаги мушак ва ёғ қолдиқларининг қириб олинмаганлиги, тери тўқимасининг қаватларга ажралиб кетиши ва ҳоказолар.

Амалдаги тайёрлов стандарталарининг талабларига биноан пўстинбоп қўй териларининг биринчи навига четларида 3 донагача, иккинчи

навига асосий майдонида бир дона ва четларида 2 дона, учинчи навига асосий майдонида 5 донагача ва четларида I дона нуксони булган терилар киритилади.

Чармбоп қуй терилари ҳам шу тартиб билан навларга хилланади, яъни биринчи, иккинчи ва учинчи навларга қуйиладиган талаблар юкоридагидек булиб, туртинчи навга учинчи нав талабларига жавоб бермайдиган паст сифат терилар киритилади.

Хужалик раҳбарлари, мутахассислари,фермер ва чупонлар қуйни суйиш муддатларини белгилашда, уни турри суйиш, терисига сифатли бирламчи ишлов бериш, уларни зарарсизлантирмасдан саклаш коидаларига риоя килиш даромад микдорига ижобий таъсир килишини унутмасликлари лозим.

## IУ. ҚУЙ СУТИГА ИШЛОВ БЕРИШ

Узбекистон шароитида коракул қуйларининг сут махсулдорлиги 60-70 кг.га тенг булиб, кулдан уларга қушимча 250-300 грамм микдорида қушимча ем берилса, бу курсаткич яна ҳам юкори булиши мумкин. Лекин жойларда бу имкониятлардан тулиқича фойдаланилаётгани йук, ваҳоланки, бу муҳим омилдан самарали фойдаланиш йули билан даромад микдорини купайтириш бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Қуй сути кимматбаҳо озиқа булиб, кимёвий таркибига кура сигир сутидан анча устундир. Қуй сутидаги қуруқ моддалар сигир сутига нисбатан I,4 баробарга, ёр микдори I,8 баробарга, туйимлилиги I,5 баробарга купдир.

Кунлик соғим микдори сут бериш/лактация/ даврининг дастлабки икки ойида энг юкори булиб, кейинчалик у камайиб боради ва туртинчи ойнинг охирларига бориб деярлик тухтайди. Қуйларнинг соғим микдорига

энг аввало озиқлантириш шароити катта таъсир қилади.,- яйловлардаги кўк ўтларнинг мўллиги, қўлдан ем бериш сутдорликни оширишнинг асосий йўлларидир. 3-5 ёшли қўйлар энг юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлади.

Қўзиси суйимга жўнатилган буйдоқ совлиқлар тўдасидан йирик гавдали, катта елинли, соғлом ҳайвонлар ажратилиб соғим совлиқлар гуруҳи ташкил этилади.

Кунлик сутни ташиш харожатларининг ошиб кетганлиги туфайли ферма, бўлимларда "йирма" соғим совлиқлар суруви ташкил этиб, улар учун серҳосил яйловларга қурилган бирор фойдаланилмаётган қўра ажратилса ва шу ернинг ўзига сутга ишлов бериш кўчма пункти ўрнатилса соғим мавсумининг самарадорлиги анча ошар эди.

Соғиладиган совлиқлар сурувида яйлов шароитига қараб кўпи билан 300-400 бош мол бўлгани маъқул ва улар тўл берувчи сурувлардан отар белгилари қўйилган ҳолда танланиб йирилади, соғим мавсуми тугагач совлиқлар яна ўз сурувларига қайтарилади. Ишни шу тартибда ташкил қилиш бир томондан соғим жараёнининг узлуксиз давом этишини, соғимдаги совлиқларнинг ўз вақтида емланишини таъминласа, иккинчи томондан тўлнинг энг кизғин палласида чўпон-чўлиқларни қўй соғими дахмазасидан озод этади.

Сутдорлигига қараб қўйлар соғим мавсумининг дастлабки 2 ойида кунига 2 мартадан, кейинчалик эса I мартадан соғилади. Қўйлар соғим машиналари ёрдамида ва қўлда соғилиши мумкин.

Қоракўлчиликнинг анча тарқоқлиги туфайли қўйларни қўлда соғиш анъанага айланган. Буни учун соғим майдончалари яқинига иккита, яъни биринчиси соғимга киради́ган ва иккинчиси соғилган совлиқлар қамаладиган қўралар қурилиши, қўралар яқинига қўйларни емлаш учун охурлар ўрнатилган бўлиши кўзда тутилади.

Соғ...илган совлиқларни арқонлар ёрдамида қўшоқлаш азалдан одат

тусига кирган, лекин бу иш куп куч ва мехнат талаб киладиган тадбирдир. Бунинг урнига сорим майдонига куйларнинг бошини утказиб буйнидан махкам тутадиган курилмалар / куйни сунъий уруғлаш станоги кабилида/ урнатилиши соғим жараёнини енгиллаштиради, мехнат сарфини камайтиради.

Соғим мавсуми арафасида совликлар бирма-бир куздан кечирилиб, соғломлиги ветеринария куригидан утказилади, елини атрофидаги жун толимлари киркиб олинади. Куйлар ён ва орка томонларидан соғилади. Сутнинг тоза ва сифатли соғилиши учун ён томонидан соғиш кулайрок.

Сутнинг ювилган, тоза идишларга соғилиши, тоза ва салкин жойларда ва идишларда сакланиши сут сифатининг пасаймаслигини, бузилмаслигини таъминловчи омилдир. Уртача бир бош куйни соғиш учун 2,5 - 3 дакика кифоя килади

Сутнинг кимматли хусусиятларини узокрок муддат давомида саклаш учун у энг аввало механик аралашмалардан тозаланиши, пастеризация /бруцеллез касаллиги бор хужаликларда/ килиниши лозим. Соғим тугалланиши биланок сут 2-3 бор катланган марли, фланел ёки лавсандан сузиб утказилиши лозим.

Куй сути камдан-кам холларда ичилади, ундан купинча катик, сырь ва пишлок тайёрлашда фойдаланилади. Ана шу махсулотлар таъми ва хиди куйларнинг яйловда истеъмол килган утларнинг хилларига, сутга дастлабки ишлов бериш сифатига караб узгаради.

Куй сути ачиш даражаси, тозалиги, хиди ва таъмига караб 2 нав ва 4 классга булиб кабул килинади.

## У. ЖУН ХОМАШЁСИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА САҚЛАШ

Жун хомашёси асосан қоракўлчилик ривожланган минтақаларда тайёрланади.

Республикада ишлаб чиқариладиган жами жуннинг ярмидан кўпроғини шахсий ва хусусийлаштирилган хўжаликлар етиштирмоқда.

Қоракўлчилик хўжаликларида қўйлар билан бир қаторда эчкилар ва туялар ҳам урчитилади. шу туфайли ҳам тайёрланадиган ялпи жун деярлик қўй, эчки ва туя жунларидан иборатдир.

Хўжаликларда жун қирқими мавсумига тайёргарлик қурилганда, қирқим режаси тузилганда ана шу жун бериш манбаълари албатта инобатга олиниши лозим.. Маълумки, Ўзбекистон шароитида қўйларнинг жуни йилига 2 маротаба, яъни баҳор ва куз фаслларида, эчкилар ва туяларники эса фақат баҳорда қирқилади, эчки тивити ҳам фақат баҳорда тараб олинади.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида Ўзбекистонга четдан келтирилаётган барча тур маҳсулот ва товарларнинг нархи жуда юқорилашиб кетди ва уни сотиб олиш имконияти барча хўжаликларда ҳам бир хил деб бўлмайди. Ишлаб чиқариш воситаларининг давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилиши улчам ва имкониятлари турлича бўлган ҳархил тоифа хўжаликларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хўжалик шароитида бир томондан жун қирқиш агрегатларидан йилига кўпи билан 2 маротаба фойдаланиш, иккинчи томондан қирқим механизмлари ва уларга лозим бўладиган зоҳира қисмларнинг анча қимматлиги кичик ҳажмли ишлаб чиқаришга эга бўлган хўжаликларни механизациялашган қирқим ўтказиш имконидан деярли маҳрум қилади.

Ваҳоланки, қирқимнинг механизациялаштирилиши қатор устунликларга эга - қирқим суръати 3 - 4 баробарга жадаллашади, меҳнат унум-

борлиги кескин ошади, "кийким" жунлар камайиши, жунининг текис ва тоза киркилиши эвазига тайёрланадиган жун микдори купаяди. Ана шу мухим томонлари хисобга олинадиган булса киркимм жараёнининг механизациялаштирилиши катта иктисодий ахамиятга эга эканлиги яккол булиб колади.ва буни учун хужаликлараро кирким пунктлари, хужалик хисобида ишловчи турғун ёки кучма ихтисослашган кийлатлик кирким пунктлари, кирким отрядлари ташкил килинса маъкул иш булади.

Хозирги кун шароитида кирким мавсумини уюшкоклик билан утказиш учун тайёргарлик ишлари йил бошидан бошлангани маъкул, яъни хужаликда мавжуд пода таркибида жуни киркиладиган куй, эчки ва туяларнинг бош сонидан келиб чикаан холда кирким пункти учун лозим буладиган техника ва ускуналар, уларга керакли эхтиёт кисмлар / улар купрок хамдустлик мамлакатлари худудидаги корхона ва заводларда ишлаб чикилади/ барча кулай йуллар билан авваллан хозирлаб куйилган булиши керак, акс холда уларни излаб топишга вакт етишмай колади.

Куйида биз жун сифатига, колаверса олинадиган даромад микдорига салбий таъсир килувчи омилларга тухталиб утамиз. Сифатли, нуксонсиз жун хомашёсини тайёрлаш учун жун берувчи хайвонларни зоогигиена талаблари асосида асрашга, талаб даражасида озиклантиришга алохида эътибор бериш талаб этилади. Катор хужаликлар кочирим мавсумини яхширок яйлов шароитида утказиш учун узларининг совлик сурувларини пахтакор хужаликлар худудига хайдашмокда, карамоғидаги майда шохли молларини кишловга яхширок тайёрлаш максадида хам куп хужаликлар куй сурувларни уторга, яъни пахтакор хужаликларнинг хосили йиғиб олинган маккажухори, бедапояларида бокиши одат тусига кириб бормокда.

Бу шароитларда куйларнинг бироз семириши, эт олиши юз берса, иккинчи томондан куйларда усаётган жун япоғисининг иллатланиши, яъни "куй тикони" билан ута ифлосланиши юз бермокда. "Куй тикони" билан

ифлосланган жуннинг харид нархи анча арзонлашиб кетишини чорвадорларимиз унутмасликлари лозим. Бундан ташкари кишлов давомида куйларнинг нуридан/поридан/ тозаланмаган, ифлос, ери балчикка айланган кураларга узок вакт камалиши хам жунни ифлослантиради.

Фойдаланилалиган чорва биноларининг кишлов арафасида коида буйича юкумсизлантирилмаганлиги окибатида курага узокрок муддатга камалган куйларда кутир касаллиги пайдо булади. Бу хил куйлардан киркиб олинган жун япорилари купинча иллатли хисобланади ва савдо пайтида уларнинг харид бахоси камм билан 10 фоизга камайтирилади. Кутир касаллиги кузговчиси булган кутир кананинг бошка моллар ва сурувларга таркалмаслиги учун касал моллар дархол сурувдан ажратилиши ва I - фоизлик бентоцид ёки 1,5 - 2 фоизлик креолин эритмасига чумилтирилиши, улар камалган бинолар юкумсизлантирилиши керак.

Булардан ташкари кучирим мавсумида ёки лозим топилган вактда сурув белгиси ёки булмаса сурув ичида ташкил килинган гурух белгиси куйларнинг жун копламига сувда эримайдиган буёклаарни чаплаш иули билан куйиш холлари куп учрайди. Хиллаш коидалари буйича буёк суркалган толимлар жун массасидан ажратилиб, алохида тойланади ва улар учун канака сифатда булишидан катъи-назар "шартмокли" жун /клюнкер/нинг нархи билан хак туланади. Чорвадорлар куйларни бокиш ва асрашдаги камчиликлар туфайли пайдо булувчи ана шу иллатларнинг олдини олиш йули билан даромад микдорини анча купайтириш имкониятига эгалар.

Иккинчи гурух нуксонлар кирким пайтида пайдо булади.

"Кийким" жунлар - киркимчининг уз ишига локайд муносабати ёки булмасам киркимчининг укувсизлиги, тажрибасизлиги туфайли, жуни киркилаётган куйнинг тоза чум илтирилмаганлиги, жун копламидаги тивит каватининг етарлича кутарилмаганлиги туфайли пайдо булади.

"Кийким" жунлар киркимчининг кайчини кийшик ушлаши окибатида куй терисидаги жун копламининг чала киркилишидан, яъни бир маротаба киркиб утган кайчи "изи"дан тозарок киркиш учун такрор кайчи утишидан пайдо булувчи 3 - 4 см. узунликдаги паст буйлик жун парчаларидир. Амалдаги тайёрлов андоза/стандарт/ларининг талабига биноан хилланган жун япориси таркибида япорк вазнининг ҳупи билан I - фоизигача микқорида "кийким" жун булиши мумкин. Шу туфайли ҳам киркилган жун япорисини хиллаш столи устига ёзиб, сифатини аниқлаш олдидан бирнеча бор силкитиб кокиш йули билан ундаги "кийким" жунлардан тозаланади. Хиллаш столининг туридан утиб, унинг остига йиғилган "кийким" жунлар паст нав ҳисобланмиш "клок"ка кушилиб тойланади ва сотилади.

"Терилик" жун - кирким пайтида тери парчасининг жун билан биргаликда киркилиб кетиши. Коида буйича хиллаш пайтида жун массасидан шунака "терилик" жун парчалари ажратилиши керак. Бу нуксон киркимчининг эҳтиётсизлиги, локайдлиги туфайли, куйларнинг узоқ муддат давомида курага камалиши, куйларнинг ориклиги сабабидан жун копламининг танага ёпишиб кетганлиги туфайли пайдо булади.

"Ёт нарсалар" билан ифлосланган жун - сим, аркон, ип, тойлаш материали каби ёт нарсалар билан ифлосланган жуннинг тойланиб кетиши.

Учинчи гуруҳ нуксонлар киркилган жунларни саклашдаги камчиликлар туфайли пайдо булиб, уларга чириган ва куя тушган жунларни киритиш мумкин.

"Чириган" жун - нам жунни тойлаб юбориш ёки булмаса жунни сернам муҳитда саклаш туфайли тойнинг ички ҳарорати кескин кутарилиши оқибатида пайдо булади. "Чириган" жун ялтироклигини йукотади, узилувчан ва синувчан булиб колади. Бунинг олдини олиш учун тойланадиган жуннинг қурук булишини таъминлаш, жунни курук, шамоллатиб ту-

рилалиган биноларда ёроч пиллапоялар устига териб куйилган холда сақлаш лозим.

"Куя тушган" жун - куя капалакларининг жун толаси сиртига қуйилган тухумидан чиқувчи чувалчангсимон қуртларнинг фақат жун толалари билан озиқланиши оқибатида пайдо булувчи иллат. Бу иллат туфайли жун толалари барча фойдали хусусиятларидан маҳрум булади. Бу иллатнинг олдини жун сақланувчи бинонинг тез-тез шамоллаб турилишини таъминлаш, вакти-вакти билан юқумсизлантириб туриш йули билан олиш мумкин.

"Чириган" ва "куя тушган" жунлар истъемолчи ташкилотлар томонидан кабул қилинмайди.

Хулоса қилиб айтганда, жуннинг иллатсиз булишини таъминлаш катта иктисодий аҳамиятга молик тадбирдир.

Узбекистон шароитида урчитилувчи куйлар йилига 2 маротаба, яъни баҳор ва куз фаслларида жуни қирқилади.

Баҳорги қирқимни утказиш ута муҳим ва масъулиятлидир, чунки йиллик жун қирқимининг 65 - 70 фоизи ана шу қирқимдан олинади. Қирқимни бошлаш вақтини мақбул чегараларда белгилаш ута муҳимдир ва у қатор омилларга боғлиқ булади. Бунда энг аввало куйларнинг жун қопламининг остидаги тивит қаватининг нақадар кутарилганлиги инобатга олинади. Маълумки, дағал жунли куйларда мавсумий тулаш баҳор фаслида булади. Дағал жунли куйлар терисида турли хилдаги жун толалари - энг дағал улик тола ва қилчиқ, уртача ингичкаликдаги оралиқ тола ва энг ингичка тивит толаларининг илдизи жойлашганлиги туфайли тулаш жараёни тивит толаларидан бошланиб, бироз вақт утгач қилчиқ толаларининг тулаши билан тугайди. Жун толалари асосидаги тивит қаватининг тулаш оқибатда теридан I - I,5 см.масофага кутарилган пайтида қирқимни бошлаш маъқул, чунки бунда кайчи фақатгина ҳали тулашга улгурма-

ган қилчиқ толаларини қирққанлиги боисидан қирқим енгил кўчади, меҳнат унумдорлиги ошади, қирқимчи жисмонан чарчамайди, "қийқим" жунлар чиқими кескин камаяди, ҳайвон териси деярлик жароҳатланмайди. Қирқим кечиктирилса тивит қаватини ушлаб турувчи қилчиқ толалари ҳам тулаши оқибатида қўйнинг устидаги жун қоплами қисман ёки батамом тукилиб кетади, қирқим миқдори камаяди. бор жун йиғиштириб олинмай қолади. Қирқим меъёридан эрта, яъни тивит қавати теридан озод кўтарилиб улгурмаган пайтида бошланса қайчи терида усувчи қилчиқ толалари билан биргаликда толимлар асосида бир-бирига чатишиб кетган тивит қаватини ҳам қирқишига тўғри келади. Бу эса қирқимчидан катта жисмоний куч сарфини талаб қилади, "қийқим" жун чиқимининг кўпайишига, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади, ҳайвон терисида усувчи жун толаларининг тоза қирқилмаслиги оқибатида қирқим миқдори камаяди.

Бундан ташқари қирқимни бошлаш муддатини белгилашда республика, вилоят об-ҳавони кузатиш хизматининг кутилаётган об-ҳаво башоратлари албатта инобатга олиниши шарт. Ана шунга эътибор бермай қирқимни бошлаган хўжаликларнинг анча мол чиқимига йўл қуйганлари амалиётдан маълум.

Қирқимнинг бошланиш муддатига молларнинг семиз ёки ориқлиги ҳам таъсир қилади. Одатда, қишловдан қийналиб, ориқлаб чиққан қўй-эчкиларда тулаш жараёни ўртача семизликдагиларга нисбатан 10 - 15 кун олдин бошланади, шу туфайли ҳам сурувларнинг қирқим жадвали тузилганда ана шу кўрсаткич ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Қирқимнинг тез ва соз ўтиши учун қирқим олдидан қўйларни чўмилтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Дағал жунли қўйларда жун қоплами нисбатан сийрак бўлганлигидан уларни боқиш ва асраш вақтида турли сабабларга кўра ҳавода учиб юрувчи чанг ва қум зарралари жун толим-

лари тагига чукиб колади ёки ёғли-тер билан қопланган тола сиртига ёпишиб қолади.

Шу тарика ифлосланган қуйнинг жунини қирқиш ута машаккатлидир, чунки бир томондан кайчини ишлатиш қирқимчидан куп жисмоний куч сарфини талаб этса, иккинчидан кайчи тез утмаслашганлигидан уни тез-тез уткирлаб, алмаштириб туриш кирким суръатини кескин пасайтирса, учинчидан жунининг узок вакт давомида азоб билан қиркилиши қуйнинг физиологик ҳолатига салбий таъсир килади.

Қуйлар махсус жиҳозланган чумилтириш ҳавзаларида қирқимдан бир кун олдин чумилтирилади. Одатда чумилтириш ҳавзаларининг узунлиги 6-8 м.ни, кенглиги 70 - 80 см.ни, чуқурлиги I,5 - I,7 м.ни ташкил қилади. Сув билан тулдирилган бу хавзаларга купи билан кичикроқ I suruвнинг қуйини чумилтириш мумкин, чунки қуй танасидан ювилган ифлосликлар хисобига сув қуюқлашади, ифлосланади, бунинг устига энди чукабошлаган лойқалар сузаётган қуй танасининг ва оёкларининг ҳаракати хисобига кузғалиб, сув юзасига чикади, пировард натижада қуйнинг жун коплами тоза ювилмай колади. Бунинг олдини олиш учун ҳавза сувини тез-тез алмаштириб туриш жоиздир, суви танкисрок хужаликларда бу ишни бажариш анча кийинчиликлар туғдиради.

Чумилтириш ҳавзаларининг таг юзасидан 45-50 см. баландликда ёғоч ёки темир панжаралар урнатилса чумилтирилаётган қуйлардан ажралган ифлосликлар ҳавза тагига, панжара остига чукади, чунки қуйнинг тана ҳаракати эвазига пайдо булувчи сувнинг ички тулкинлари ана шу панжарадан пастга томон утаолмайди, ҳавза суви унчалик лойқаланмайди - бу эса ана шу сувдан нисбатан узокрок муддатга фойдаланиш имконини беради.

Баҳор фасли серёғин келган йиллари қуйларни ёмғир сувлари тупланган табиий ҳавзаларда ҳам бемалол чумилтириш мумкин. Бунда чумил-

тириш тадбирлари билан боғлик сарфу-харожатлар иктисод килинади.

Киркимга кирадиган қўйларнинг чўмилтирилгандан кейин салгина яйловга ёйилиб, 8-10 соат давомида "оч колдирилиши" кирким пайтида уларда ичак уралишининг олдини олиш имконини беради.

Кирким пунктида ишнинг яхши бўлиб, суръати юкори бўлиши кўп жихатдан у ерда кабул килинган кун тартибига боғлик бўлади.

Кирким пунктларининг макбул кун тартиби тахминан куйидагича бўлиши лозим:

| | |
|---|---|
| Кирким пунктини ишга тайёрлаш | 5,45 - 6,00 |
| Жун киркими | 6,00 - 9,30 |
| Эрталабки нонушта | 9,30 - 10,15 |
| Жун киркими | 10,15 - 13,00 |
| Тушлик танаффус | 13,00 - 14,00 |
| Жун киркими | 14,00 - 18,30 |
| Кирким пунктини йиғиштириш | 18,30 - 19,00 |

Қўй ва эчкиларнинг жуни умум кабул килинган тартибда киркилади. Лекин, хайвонлар жунининг тоза ва соз киркилиши, кўнгилдагидек хилланиб, тойланиши учун кирким мавсуми арафасида хўжаликларда ёки хўжаликлараро киркимчи, жун хилловчиларнинг 3 - 5 кунлик ўкиши ташкил этилиши максадга мувофикдир. Бу машғулотларда майда шохли молларнинг тана тузилиши, жун кирКимининг тезкор усуллари, кирким машиналарининг тузилиши, уларни созлаб тобига келтириш тартиби, кирким пайтида пайдо бўлувчи жун иллатлари ва уларнинг олдини олиш йўллари, кирким маданиятин ва хаёт фаолияти хавфсизлиги коидалари ўкувчиларга батафсил тушунтирилади. Бу хил ўкитиш ишларига тажрибали мутахассисларни, юкори малакали олимларни жалб килиш мумкин.

Киркимчиларнинг кўли "ўрганиши" учун даставвал пастрок насл сифатига эга бўлган сурувлар киркимга киритилади. Бу ўринда кишловдан

чиккан ахта кучкорлари ёки туклиларнинг жуни киркилиши мумкин. Киркимнинг охирида касал куйларнинг жуни киркилади.

Кирким вайтида киркимчидан куйни азобламаслик, жунни эса иллатсиз киркиб олиш, бахорги киркимда япоғини бузмай, парчаламай олиш талаб этилади.

Киркилган жунлар пунктнинг узида амалда булган тайёрлов андоза /стандартлар/нинг талабларига биноан хилланиши лозим.

Дағал куй жунлари 7939-79 ракамли тайёрлов андозасининг талабларига мувофик хилланиб, кирким муддатларига кура бахорги ва кузги киркимларга хамда кузи жунларига булинади.

Бахорги кирким дағал куй жунларини хиллаш - бу кирким жунлар куйнинг устида ками билан 7 ой давомида усади, унинг таркибида тивит толалари анча куп, ёғлитерилилиги юкори ва энг асосийси япоғи хосил булади. Киркилган бахорги куй жунлари япоғи, бурда ва паст навларга ажратилади.

Япоғи бахорги жуннинг энг кимматли кисми хисобланиб, унга бир куйдан яхлит холда киркиб олинган жун массаси, ярим япоғи ва турли сабабларга кура япоғидан узилиб колган 100 граммдан купрок оғирликдаги тоза жун парчалари киритилади. Ана шу андозанинг талабларига биноан кирким арафасида тоза чумилтирилган куйлардан киркиб олинган жун тулиғича/ паст нав лар бундан мустасно/ япоғига киритилиши лозим Япоғилар рангига кура ок ва оч кук биргаликда хамда рангдор жунларга булинади. Жун савдосида ок ва оч кук жунларга эхтиёж купроклигини ва уларнинг кимматрок сотилиши инобатга олинадиган булса, жунларни ранг гурухларига ажратиб хиллаш хужаликлар манфаати учун катта иктисодий ахамиятга эга эканлиги уз-узидан аён булиб колади.

Таркибидаги жун толимларининг улчами хамда ундаги тивит, кылчик ва улик толаларнинг салмоғига караб харбир ранг гурухи ичида япоғи-

лар сифат синфларига ажратилади. Бирор синфга киритиш учун япори умумий юзасининг 55 фоиздан ортикрок кисми уша синф талабига жавоб бериши лозим. Хиллаш жараёнида коракул жуни япориси I ва II, жойдори, эдилбой жунлари япориси I,II ва III синфларга ажратилади, хисор жуни япориси эса синфларга булинмайди.

Таркибидаги жун толимларининг усимлик парчалари, тиконлар билан ифлосланиш даражасига караб, тери казгоклари билан ифлосланишига караб япорилар харбир ранг гурухи ва синфлар ичида куйидаги холат гурухларига булинади: меъёрли, хас-тиконли I ва II гурухлар ва иллатли. Хас-тиконли гурухга енгил ажралувчи / сомон, похол ва бошка шу кабилар/ ифлосликлари I0 фоиздан ошикрок булган ва куй тикони билан ифлосланган япорилар киритилади, иллатли гурухга эса остки юзасининг 50 фоиздан ошикрок кисми йирик тери кепаги/казгори/ билан ифлосланган япорилар киритилади. Бу борада меъёрли холатдаги япориларга нисбатан хас-тиконли ва иллатли япорилар анча арзон бахоларга сотилишини таъкидлаш лозим.

_Бурда жун_ - мухим курсаткичлари билан яподан деярли фарк килмайдиган, лекин турли сабабларга кура ундан узилиб колган ва огирлиги I00 граммга етмайдиган жун парчалари киритилади. Бурда жун факат ранги буйича хилланиб, тойланади.

_Паст навлар_: "Клок" - салгина ахлат билан ифлосланганн учун япори четларидан узиб олинадиган майда жун толимлари хамда хиллаш столининг остидан йиғиб олинадиган "кийким" жунлар киритилади.

"Шартмокли"жун / кизячная, клюнкер/ - ахлат билан ута куп ифлосланганн учун ажратиладиган жунлар.

Паст нав жунлар умуман хилланмайди, факатгина номлари буйича бир-биридан ажратилади холос.

_Кузги кирким ва кузи жунларини хиллаш_ - кирким пайтида япори хосил булмаганлиги туфайли кузги кирким ва кузи жунлари сифат синф-

ларига ажратилмайди, рангига кура оч кук ва рангдор гурухларга ажратилади, холатига кура меъёрли, хас-тиконли I ва II гурухларга ажратилади.

Эчки_жунларини_хиллаш - Эчки жунлари 2259-78 сонли тайёрлов андозасининг талабларига биноан хилланади.

Таркибидаги тивит, оралик ва килчик толаларининг микдорига кура эчки жунлари текис толали ярим дагал, аралаш толали ярим дагал ва аралаш толали дагал булиши мумкин:

Текис толали яримдагал эчки жуни асосан совет зот эчкиларидан олиниб, улар факат оралик толалардан иборат булади, тивити деярлик йук. Аралаш толали яримдагал эчки жуни купрок тивит беришга ихтисослашган зотлардан олинади, бу жуннинг таркибида оралик толалар билан бир каторда тивит ва килчик толалари хам булади. Улар ок, оч кук ва рангдор булиши мумкин.

Дагал эчки жуни икки сифат тоифасига булинади : "тивитли" эчки жуни, качонки таркибидаги тивит микдори жун вазнининг 25-40 фоизини ташкил килади ва серкилчик эчки жуни, качонки таркибидаги тивит микдори жун вазнининг 25 фоизгачасини ташкил килади. Дагал эчки жунлари рангига кура хилланмайди.

Хас-чуплар билан ифлосланиш даражасига кура эчки жуни меъёрли ва ифлос булиши мумкин.

Туя жунини хиллаш - туя жуни хам эчки жуни каби йилига бир маротаба, яъни бахор фаслининг иккинчи ярмида киркилади. Туя жунини одатда кул кайчиси билан киркиб олинади, буни учун туя йикитилиб оёклари богланади ва даставвал чап ёнбоши билан ёткизиб, унг томонидаги жун ва ёл жунлари киркиб олинади, сунгра унг ёнбошига ёткизилиб чап томонининг жунлари киркиб олинади. Туяни кирким арафасида чумилтирилмаганлиги туфайли жунини кирким машинаси билан киркиб

олиш нихоятда мушкулдир.

Туя жунини 5109-77 сонли тайёрлов андозаси буйича хиллашади. Бунда туя жуни ранггига кура ранг гурухларига булинмайди. Туя жуни япоғи хосил килмайди. Таркибидаги тивит ва килчик толаларининг салмоғига караб, толимларнинг улчамларига караб туя жуни I/юмшок/, II ва III/ёл жуни/ синфларга булинади. Мабодо I ва II синфга мансуб жунлар бир-бирига ёпишиб, юмалокланиб кетган ва уларни титишнинг имкони булмаса, бу хил жунлар кигизланган жун хисобланади, улар синфларга киритилмайди. Хас-чуплар билан ифлосланиш даражасига караб туя жунлари меъёрли ва хас-чупли гурухларга ажратилади.

Эчки тивитини тайёрлаш ва хиллаш - эчки тивити бошка тур махсулотлар орасида энг кимматлиси хисобланади. Тивит йуналишидаги эчкичилик билан шуғилланувчи ёки шуғилланишни ният килган хужаликлар эчкидаги тивитни тоза холида, юкори сифат билан олиш чораларини куришлари лозим.

Эчки тивитини икки хил йул билан, яъни тараб ва киркиб олиш мумкин.

Тараб олинган, камкилчик эчки тивити энг кимматли ва сифатли хисобланади. Бунда тивит махсус темир тароклар ёрдамида тараб олинади. Тивит тараш факатгина бахор фаслида амалга оширилиб, у эчкиларнинг терисида усадиган тивит ва килчик толаларининг бир вактда эмас, балки олдинма-кейин тулашига асосланган, яъни даставвал тивит толалари ва улардан бироз вакт кейин килчик толалари тулайди. Шунинг учун хам тулашнинг биринчи ярмида тараб олинган тивит таркибида килчик толалари жуда хам оз булади, тулашнинг иккинчи ярмида таралган тивит таркибида килчик толалари анча куп булганлиги боисидан уларнинг сифати анча паст булади. Эчкилар тивитини муддатидан олдин тараш хам яхши эмас, чунки бунда тулиғича туламаган тивит т-

толалари килчик толалари билан биргаликда юлиниб кетади, эчкилар азобланади, терисидан ҳархил касалликлар чикиши мумкин, айримлари бола ташлаши ҳам мумкин. Иккинчи томондан тивит тарашни кечиктириб ҳам булмайди, чунки олинадиган тивит тукилабошлаган килчик толалари билан ута ифлосланади, баъзан яйловларга тукилиб, сочилиши окибатида тивит йирими камайиб кетади.

Тивит тараш муддатини белгилашда калтарок жунли эчкилар жун копламии сиртида тукилабошлаган тивит толалари кузга ташланишини ва улардан бир-бирига чатишган кунғирокчалар пайдо булишини асос килиб олинади. Одатда, даставвал утган йили турилган улок ва такачалар тивити таралади, ундан кейин кисир эчкилар, саркалар, такалар ва она эчкилар тивити таралади. Энг охирида касал, нимжон, орик хайвонлар тивити таралади.

Биринчи тарашдан кейин эчкилар жун копламида тивитнинг бир кисми колади ва уни олиш учун 10-20 кундан кейин иккинчи тараш ишлари утказилади ва ундан кейин эчкилар жуни киркилади. Тивитни тараш эчкилар тик турган ҳолида ёки бир ёнига ёткизилган ҳолда утказилади

Эчки тивити 2260-78 сонли тайёрлов андозаси талаблари асосида хилланади. Таркибидаги килчик толаларининг микдорига ва олиниш услубига караб эчки тивити куйидаги сифат синфларига булинади:

I-синиф/I-тарам/ - таркибида вазнининг 10 - фоизгача кисмини килчик толалари ташкил этувчи тараб олинган тивитлар киритилади.

II - синф/II-тарам/ - таркибида вазнининг 10 фоиздан 20 - фоизгача кисмини килчик толалари ташкил этувчи тараб олинган тивит.

III - синф /жебаж/ - таркибида 20 фоиздан 40 фоизгача килчиғи булган тараш йули билан олинган тивитлар ҳамда таркибида I фоиздан 40 фоизгача килчиғи булган киркиб олинган тивитлар киритилади.

IУ - синф /жебаж/ - таркибида вазнининг 40 фоиздан 60 фоиз-

гача кисмини килчик толалари ташкил этувчи тараб ёки киркиб олинган тивитлар киритилади.

Эчкилар тивити киркиб эмас, балки тараб олинганда уларнинг сифати кескин яхшиланади, бахоси ошади.

Тивитдан олинадиган даромад микдорига уларни ранг гурухларига ажратиш хам катта таъсир килади, чунки бирхил синфга мансуб булиб ранглари турли хил булган тивитларнинг бахоси бир-биридан фарк килади. Эчки тивити ок, тук кук, тук жигарранг, оч кук ва аралаш рангларга булинади.

Эчки тивитлари хас-чуплар билан ифлосланиш даражасига караб меъёрли ва хасли гурухларга ажратилади.

<u>Жун хомашёсини тойлаш</u> - ювилмаган куй, эчки, туя жунлари, корамолдан олинган тулаш жунлари хамда эчки тивитлари 6070 - 78 сонли тайёрлов андозасининг талабларига биноан тойланади, маркировкаланади, сакланади.

Жун ва тивитлар тури, рангги, сифат синфи ва холат гурухлари буйича алохида-алохида тойланади. Тойланадиган тивит ва жун очик хавода куритилган холатда булиши керак. Нам ёки сув сепилган жун ва тивитни тойлаш катъиян ман этилади. Жун ва тивит тойланган булиши шарт.

Куйидаги холларда жун ва тивитни тойламасдан топширишга рухсат этилади:

- тайёрлайдиган жуни ёки тивитининг йиллик микдори 20 т.га етмайдиган тайёрлов идоралари, жамоа, ширкат, фермер хужаликлари ва бошка шунга ухшаш хужаликлар учун.

- тулаган жунлар булса.

Жун ва тивит механик зичлагичларда кисилиб, тойланиши керак ва уларнинг огирлиги 75 - 85 кг. атрофида булиши лозим. Умуман ол-

ганда тойларнинг оғирлиги купи билан 125 кг.гача булишига рухсат этилади.

Майин ва ярим майин қуй жунларини, текис толали эчки жунларини ва оқ рангдаги бошка тур жунларни янги, оҳорли матоҳга тойлаш талаб этилади. Қолган жунларни / қуй, эчки, туя ва тулашдан йиғналган жунлар ва паст нав жунлар/ бутун, тоза ювилган ва юқумсизлантирилган аввал истеъмолда булган матоҳларга тойлаш ҳам мумкин.

Юқумли касалликларга чалинган ёки уларга шубҳали булган хайвонлардан олинган жун ва тивитлар 2 каватли матоҳга тойланади.

Клюнкер/шартмокли жун/ хам икки каватли матоҳга тойланиши лозим.

<u>Жун ва тивит тойларни маркировкалаш</u> - тойларнинг эгаси, унинг ичидаги хомашёнинг билиниб туриши учун тойнинг бетига трафарет ёрдамида буёқлар билан ёзувлар ёзилади. Бу ёзувларда республика, вилоятнинг номи, туманнинг номи, жун ёки тивит эгасининг номи, тойнинг тартиб рақами, тойнинг ичидаги маҳсулотнинг сифати курсаткичлари, тойнинг брутто/ умумий/ оғирлиги ва тойнинг нетто/ соф жуннинг/ оғирлиги, жуннинг тоза тола чиқими фоизи, хомашёга амал килувчи тайёрлов андозасининг рақами қайд этилади.

Юқумли касалликларга чалинган ёки унга шубҳали хайвонлардан олинган жун ва тивит тойларининг бетига қушимча тарзда " Бруцеллез/ ёки бошка юқумли касалликка/ га чалинган ёки унга шубҳали хайвон жуни, юқумсизлантирилсин" деб ёзилган ёрлик тикиб қуйилади.

<u>Жун хомашёсини истъемолчига жунатиш</u> - жун ёки тивит партияси / бир хужжат билан жунатиладиган жун ёки тивит тойлари йиғиндисига партия деб аталади/ бир маъмурий туман худудида бир жойдан иккинчи жойга жунатилса тойларнинг сифат кайдномаси/ покипная спецификация/ ва ветеринария хизмати маълумотномаси тулдирилади, партия маъмурий туман худудидан ташкарига чиқарилса у ҳолда тойларнинг сифат кайдно-

маси ва туман ветеринария хизматининг ветеринария гувохномаси тулғазилади.

Жун хомашёсини саклаш - жун хомашёси яроксиз холга келмайдиган килиб сакланиши лозим. Буни учун жун сакланадиган бинолар таъмирланган, юкумсизлантирилган бўлиши шарт. Жун тойлари усти ёпик, курук шамоллатиб туриладиган биноларда ёғоч пиллапоялар устига тартиб билан териб қуйилган холда сакланади. Биноларда саклашнинг иложи бўлмаган такдирда уларни айвонлар тагида пиллапояларга териб қуйган холда усти ва атрофларини нам ўтмайдиган килиб брезент билан махкамлаб ўраган холда хам саклаш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. И.Каримов - Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
2. С.Ю.Юсупов, Р.Х.Рўзимурадов - Коракўлчилик махсулотларини ишлаб чикариш технологияси. Самарканд, 1995.
3. 7939 - 79, 2259 - 78, 2260 - 78, 5108 - 77, 6070 - 78 сонли жун хомашёсига амал килувчи тайёрлов андозалари
4. - ЎзРСТ 641-95 сонли коракўл териларига амал килувчи тайёрлов андозаси.
5. - Первичная обработка каракульских шкурок/инструкция/ Москва, 1989.

24.04.96 й.да босишга рухсат этилди № 42 буюртма.

5,15 босма тобоқ ҳажми 60x84 1/16, 500 нусха.

---

СамҚХИ босмахонасида чоп этилди,

Самарқанд ш., М. Улуғбек. 77.